

“Бобурномада” Да Экологик Тушунчаларни Ифодаловчи Лексик Бирликлар

PhD, Джурабаева Замира Ахмедовна¹

Аннотация: Мақолада Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги экологик тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар таҳлил қилинган. Сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ифодаловчи сўзлар асардан мисоллар келтириш орқали изоҳлаб ўтилган.

Калит сўзлар: экология, термин, экологик тушунча, лексик бирлик.

Дастлаб биология фанидан ажраб чиққан экология фани ҳозирга келиб юзлаб бўлим ва йўналишларни ўз ичига қамраб олган замонавий фанлардан бирига айланди [2. 116].

Улар қаторидан эколлингвистика ёки лингвистик экология фани ҳам муносиб ўрин олди. Мутахассисларнинг фикрича, экология фани тахминан ўн мингдан зиёд атама ва тушунчаларни қамраб олади [3. 65]. Эколлингвистиканинг вазифаси ана шу лексемаларнинг тарихий-этимологик, грамматик, лексик-семантик хусусиятларини аниқлаб беришдан иборат.

Экологик тушунчаларни ифодаловчи лексемаларнинг тил хусусиятларини тадқиқ этиш ҳақида гап борганида, ота-боболаримизнинг табиат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, қарашларини авлодлардан авлодларга беминнат узатиб келаётган тарихий манбаларга мурожаат этиш фойдадан ҳоли эмас. Зеро, ўзбек тилида ўтмиш аждодларимизнинг она табиатга холис назар билан қарашларини ифодаловчи экологик терминлар азал-азалдан мавжуд бўлган. Бу борада қомусий олим Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида берилган лексик бирликларни ўрганиш фойдадан ҳоли эмас. Адиб гарчи экология терминини айнан қўлламаган бўлса-да, асарида сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини соф, тоза ҳолда сақлаш, уларга зиён-заҳмат етказмаслик, табиатдаги нарсалар, наботот дунёсини ноёб бойлик сифатида асраб-авайлаш билан боғлиқ қимматбаҳо фикр-мулоҳазалар борки, уларни ифодаловчи лексик бирликларни экологик аспектда ўрганиш бизга “Бобурнома”нинг кашф этилмаган жиҳатларини ойдинлаштиришда ёрдам бериши аниқ.

Таниқли урду адиби Қамар Райис Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида шундай деб ёзади: *“Табиат бу тоғли Фарғона водийсига мислсиз ҳусн ато этган, Бобур унинг шайдоси бўлган. Табиатнинг мана шу сўлим гўшасида Бобурнинг шоирона тафаккури қуртак очган. Унинг боғлари, чинорлари, шакардан ширин меваларини таъриф қилишдан бир сония чарчамаган...”* [4. 13]. Бу сатрлар Бобурни нафақат адабиёт, санъат, тарих, ҳарб иши ва давлатчилик ишларидан мукамал хабардор бўлган тенгсиз шахс сифатида, балки бугунги ҳаётимизнинг энг долзарб масалаларидан бири саналган табиат илмидан ҳам яхши хабардор бўлганлигини исботлаб турибди.

Дарҳақиқат, Бобур яшаган даврда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ўлкаларининг табиати, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳозиргига қараганда анча бой ва хилма-хил бўлган. Шунга қўра, адиб сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳақида ўзининг жиддий фикр-мулоҳазаларини билдириб кетган.

“Бобурнома”да тилга олинган *Сайхун дарёси (Хўжанд сўйи), Арс сўйи, Хатлон сўйи, Кўҳак сўйи, Дарғам сўйи, Обираҳмат, Боғи Майдон, Иламиш дарёси, Ясси кечит отлиқ гузари, Қизил сув, руд, дарёча* сингари гидронимлар она табиатнинг бетакрор, ноёб гўзалликларини ўзида ифода этиб турган номлар сифатида кўз олдимизда гавдаланади.

Бобур шаҳар ва навоҳиларнинг обод ва кўркем бўлишида мазкур гидронимлар аҳамиятининг катталиги ҳақида шундай деб ёзади: *“Бу руд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак сўйи дерлар. Бу сувдин улуг бир руд айирибдурлар, балки дарёчадур, Дарғам сўйи дерлар. Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқанддин бир шаръий бўлгой. Самарқанднинг богот ва маҳоллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур”* [1. 44].

Килиф гузари, Ўратепа навоҳиси, Итмак добони, Бўдана кўруғи, Кандирлик добони, Работи Сарҳанг ўрчини, Чипора гузари, Қипчоқ йўли, Арчакент йўли, Бади Солор йўли, Самту йўли; Кўксарой, Оҳанин дарвозаси, Шайхзода дарвозаси, Сўзангарон дарвозаси, Гозурустон дарвозаси, Феруза дарвозаси; Чилсутун, Бобо Таваккул гузари; Қўштегирмон чорбоғи; Чинийхона, масжиди Лақлақа каби дромонимлар (йўл номлари), жой номлари ҳақида ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин.

¹ Доцент, Андижон давлат университети

“Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинийхона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтирубтур” ёки “Ул гумбазнинг ўртасида ер тепсалар тамом гумбаздин лақ-лақ ун келур, гариб амердур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас”, – деб ёзади адиб Чинийхона ва Лақлака бинолари ҳақида [1. 45].

“Бобурнома” асаридан кенг ўрин олган лексемаларнинг сезиларли қисмини помологик атамалар ташкил этади. Буларга *ошлиғ, мева, қовун, узум, анор, ўруғ, бодом, олу, анжир, олма, мирмихон, фундук, хурмо, биҳи, амруд, шафтоли, себи Самарқанд, соҳибийи Самарқанд, янғоқ, анба, кайла, маҳва, кирни, жоман, кадхил, бадҳал, биёр, гулар, лиму сингари сўзларни* мисол қилиб олишимиз мумкин. *Норунж, турунж, найшакар, чилғўза; тобулғи йиғочи, чинор, сумбул, эмлук йиғочи, қора емиш, ножсу, булут, ҳанжак; лола, ябриҳус-санам (меҳриғиёҳ), айиқ ўти, канир, киора, ёсуман, жамбули* ҳақида ҳам Бобур кизиқарли маълумотларни баён қилган.

Унинг “*Бу Кўҳистон элининг чирозлари тамом чилғўза йиғочидиндур, шамъдек ёнар, хейли гаробати бордур*” [1. 123], – деган сатрларда чилғўзанинг семантик хусусиятлари яширинганлиги бизга маълум.

Адиб ўзи билмаган ҳолда лексемалар ўртасидаги гипер-гипонимик (жинс-тур) муносабатларига ҳақида ҳам фикр билдириб кетган. Буни ўрик: *субҳоний* (“*Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар, “субҳоний” дерлар, бисёр лазиздир.*”) [1.6]; *анор*: *дона калон, анори Хўжанд, Аласой анори; қовун*: *Мир Темурий, олуғи Бухорий* (“*Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб қутутуб, табарруклик била вилояттин вилоятқа элтарлар. Талйин учун бисёр яхши тадовидур*” [1. 47], “*Насухда бир навий қовун бўлурким, “исмоил шайхий” дерлар, териси сарик, кемухтлуқ, осуда қовун бўлур, тухми алмача, гўшти тўрт илик, ажаб лазиз қовундур. Онча қовун ул навоҳида бўлмас*”) [1.53]; *лола*: *лолаи гулбўй, садбарг лола* (Дашти Шайхда 32-33 лола турини санатгани ҳақида ёзади) сингари мисолларда учратамиз.

“Бобурнома”даги “*Мен олу-болу ниҳоли кетуруб эктурубмен, яхши олу-болулар бўлди ва ҳануз тараққийда эди*” [1.118] – сатрларида адибнинг ҳозирда экология фанида кенг ишлатилаётган навларни иқлимлаштириш тўғрисида гап боради. *Бағот, чорбоғ, чаҳорбоғ, чорчаман, Боғи Бўлдудур, Боғи Дилқушо, Нақши жаҳон, Боғи Чанор, Боғи Шамол, Боғи Биҳишт* каби жой номларида Бобурнинг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ қарашлари яшириниб ётибди.

“*Одинапур қўрғонининг олида, жанубий тарафида бир баландида тарихи тўққиз юз ўн тўртда та бир чаҳорбоғ солдим*” [1. 42], – деб битади адиб бу ҳақда.

XV аср табиатидаги биологик хилма-хиллик, ҳайвонот дунёсининг ранго-ранг дунёси, ўша давр инсонларинг ҳайвонларга бўлган муносабати *қирғовул, усқуна, оқ кийик, буғу-марал, товушқон, кабутар, уй, қўй, қўтос, илқи, бургут, кийик, қушчи, қушчилиғ, бағриқаро, қилқўйруқ, тулку, тунқуз, фил, карк, говмиш, ҳўкиз, қўчқор, шери обий, карёл, даркамин, туюр, каклик, лаклак, сор, қарға, акка, қорлуғоч, сандуғоч, зогча, рўбаи паррон, луча/буқаламун, муши мушкин, тўти, шорак, товус, нилагов, кўтахпой, ўрдак, турна, қарқара, уқор, қўтон; овлоги, қушлоги, кабутархон, қафас, ов қуши, моҳихона амали, таноб, жаҳ* сингари юзлаб атамаларда ўз аксини топган.

Асарда учрайдиган “*Улғу чангалларни ўртаб, буғу-марал овлар эдук. Ушоқ чангалларига чарга солиб, қирғовулга қуш солиб кезлар эдук*” [1. 65]; “*Бағриқаро йўсуниқ қушқина бўлурким, қилқўйруқ дерлар. Қариши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қариши дерлар*” [1. 47]; “*Андижон вилоятининг саҳронининларидин бир Чакрак элидир, қалин элдур. Фарғона била Кошғар орасидаги тоғларда бўлурлар. Ул тоғларда уй ўрнига қўтос саҳларлар*” [1. 32] каби сатрларда юқоридаги фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Бобур табиий хавф-хатарни ўлат мисолида шундай тасвирлайди: “*Яна буқим, ул фурсатга андоқ от ўлати бўлдиқим, тавила-тавила отлар йиқилиб ўла киришти*” [1. 18].

Асардаги эътиборга молик жиҳатлардан яна бири бу – атмосфера (ҳаво) нинг софлиги, тозаллиги, беғуборлиги тасвиридир. Адиб жойларнинг ўзига хослиги ҳақида ёзар экан, икки жиҳатга шаҳар ва қишлоқларнинг тозаллиги, хушҳаволиги ва ноқулайликларига тўхталиб ўтади.

Себарғалик, пурсоя, сафолиқ, ҳаволиқ, ораста каби атамаларда ижобий; *уфунат, безгак, ел, баҳор ёгинлари* сингари лексемаларда салбий жиҳатлар ҳақида ёзади. Мисолларга эътибор берайлик:

1. “*Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур*” [1. 46]; “*Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ қасаба йўқтур. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишеброқ, себарғалик, пурсоя, сафолиқ майдон воқе бўлибдур*” [1. 6]; “*Оқар сувлари, сафолиқ боғчалари бор*” (Исфара) [1. 7]; “*Яхши ҳаволиқ ердур. Сафолиқ боғчалари бор (Косон)*” [1. 8]; “*Бисёр латиф ҳавоси бор. Қобул ҳавосидек ҳаволиқ ер оламда маълум эмаским, бўлғай*” [1. 118]; “*Қиши маҳкам совуқдур, қори агарчи Қобул қорича тушмас. Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Қобулча йўқтур*” [1. 44].
2. “*Ҳавоси бисёр мутааффириндур, кузлар безгак кўп бўлур. Андоқ ривоят қилурларким, чупчуқ безгак бўлгондир. Дерларким ҳавосининг таффуни шимолдаги тоғ жиҳатидиндур*” [1. 7]; “*Бу кўталдин ингач, киши ўзга оламе мулоҳаза қилур: йиғочлар ўзгача, ўтлар ўзгача, жониворлар ўзгача, элнинг роҳи расми ўзгача*” (Ламғанотдаги Бодом Чашма кўталидан ўтгач) [1. 122]; “*Яна Хўжа Исмоил, ва дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсуниқ тоғлардур. Паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур* [1. 129]; “*Ҳиндустон кам латофат ер воқеъ бўлубтур. Дарёларидиан ва қора сувларидин ўзгаким, жарлар ва чуқурларда оқоар сувлар йўқ. Ва иморатларида сафо ва ҳаво ва сиёҳ ва андом йўқ*” [1. 267.] ва ҳоказо.

Ўтмиш аждодларимизнинг бунёдкорлик, ободончилик, яратувчанлик ғоялари Бобур ҳазратларининг қуйидаги сатрларида яшириниб ётгандек туюлади: “*Доим хотирга етар эдиким, Ҳиндустоннинг бир улуг айби будирким, оқар суви йўқтур. Ҳар ерда ултурушлуқ бўлса, чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тарҳлиқ ва сиёҳ ерлар ясава бўлур. Ограга келганидан бир неча кундан сўнг ушбу маслаҳатқа Жўн сувидин ўтиб, боғ ерларини мулоҳаза қилдук. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлуқ била андин убуру эттук. Бу ернинг макруҳлиги ва нохушлигидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқти. Мундин ўзга мундоқ ёвуқ ер Ограда чун йўқ эди. Неча кундин сўнг зарур бўлиб, бу ерга-ўқ илик қўюлди. Ул улуг чоҳким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, анбули дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, булардин сўнг улуг ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморат олидаги ҳавз ва толор бўлди. Андин сўнг “Ҳилватхона”боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёҳ Ҳиндта тавр тарроҳлиқлар ва сиёҳлиқ боғчалар пайдо бўлди. Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настанлар мураттаб ва мукамал бўлди [1. 275].*

Умуман олганда, асар экологик атамаларни ўрганишда биз учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилиши турган гап.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990.
2. Ковязина М.А. Экология: наука и терминология // Языки профессиональной коммуникации: материалы международной научной конференции. – Челябинск, 21-22 октября 2003.
3. Полутухин А.А. Современное языкознание и экологическое мышление // Опыты – 2008: Сборник научных работ преподавателей и студентов факультета филологии: научное издание / Сост. Н.М.Димитрова. – СПб.: РИО ГПА, 2009.
4. Қамар Райис. Бобур шахсияти ва шеърляти. – Андижон нашриёт-матбаа очик акциядорлик жамияти. 2007.